

“ТАСДИҚЛАНГАН”
«Iprakchi Fayz Tong» savdo kompleksi
aksiyadorlik jamiyati taъsischilarining
2015 йил 10 декабрдаги умумий йиғилиш
қарори билан
А.Эхсонов
(умумий йиғилиш раиси)

Имзо _____

М.Ў.

«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»
Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
Маркази Фарғона вилоят бошқармаси
бошлиғи М. Кенжаев

Имзо _____

« _____ » _____ 20__ йил

№ _____ - сон

М.Ў.

АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

«Iprakchi Fayz Tong» savdo kompleksi aksiyadorlik jamiyati (эмитентнинг тўлик номи кўрсатилади)

Идентификация рақами берилди:

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Номинал қиймати 1000 сўмдан бўлган 5 985 860 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз
акциялар

(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

Ёпиқ обуна усулида.

(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши: 1 – чиқарилишдир.

(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган: _____ Жамият таъсисчилари қарори асосида

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги
қарорини тасдиқлаган органи кўрсатилади)

2015 йил 10 декабрдаги баённома.

Жамият таъсисчилари қарори асосида

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни
қбул қилган органи кўрсатилади)

2015 йил 10 декабрдаги баённома.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва маълумот телефони:

Жойлашган манзил- Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси 32 уй.

Почта манзили- Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси 32 уй.

Электрон почта манзили- [Iprakchi fayz@mail.ru](mailto:Iprakchi.fayz@mail.ru) Индекс: 151100 Телефон:- (99893) 970-10-04

Эмитентнинг рахбари:

Набиев Зафриддин Ядгарович

(Ф.И.Ш)

(имзо)

Бош бухгалтер:

Ўринбоев Акрамжон Камолдинович

(Ф.И.Ш)

(имзо)

Мухр

Сана: 10 декабр 2015 йил.

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий.**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз.**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1000 сўм.**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **5 985 860 дона.**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий хажми (сўм): **5 985 860 000 сўм.**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- **жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;**
- **депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли қўчирма олиш;**
- **жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;**
- **жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;**
- **акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;**
- **жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;**
- **олган дивидендини эркин тасарруф этиш;**
- **қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;**
- **ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;**
- **ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ношароат ташкилотларига бирлашиш;**
- **қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.**
- **Акциядорлар қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.**

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Жамият уставига ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорда ушбу чиқарилишга нисбатан чеклашлар мавжуд эмас.

Мазкур чиқарилиш биринчи чиқарилиш бўлганлиги сабабли акциялар жамият таъсис шартномасида кўрсатиб ўтилган жисмоний шахслар ўртасида ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **5 985 860 000 сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Мазкур чиқарилиш биринчи чиқарилиш бўлганлиги сабабли жамият томонидан илгари акциялар муомалага чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **- Мазкур чиқарилиш биринчи чиқарилиш бўлганлиги сабабли илгари жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган ва жойлаштирилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна): **Ушбу чиқарилувдаги акциялар ёпиқ обуна усули орқали қўйидаги юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилади:**

т/р	Акциядор номи ёки Ф.И.Ш	акция сони
1	Марғилон шаҳар ҳокимлиги	3 052 860
2	“Марғилон Файз савдо комплекси” АЖ	2 069 735
3	Разақов Эркинжон Одилжанович	52 065

4	Адурахимова Эътиборхон Рустамовна	16 830
5	Турғунова Гулнора Одилевна	37 319
6	Кимсанова Собира Назировна	20 096
7	Мирзаева Шахнозахон Қаххоровна	18 115
8	Қосимов Хожиакбар Муталибхожи ўғли	31 137
9	Маматов Эгамберди Каримович	15 555
10	Бурибекова Мукуррама Муҳаммаджановна	16 892
11	Караев Фуркат Саттарович	16 330
12	Джурабаев Хусанжон Тохиржонович	16 439
13	Исакова Мархабохон Садикджанова	27 221
14	Махмудов Муҳаммадакбар Ғофуржон ўғли	13 465
15	Шерматов Шавкатилло Асадиллаевич	28 856
16	Ахмаджонов Сардорбек Хатамжон ўғли	14 065
17	Лукмонова Муборак	44 071
18	Касимов Азизбек Абдупоттоевич	41 484
19	Юсупова Лазокат Назировна	22 706
20	Юсупов Рахимджон Хамидович	13 488
21	Мадрахимова Робахон Абдулазизовна	25 424
22	Захидов Хабибулло Таирджанович	16 556
23	Назаров Мусинжон Муйдинович	16 634
24	Бакиев Хайрулла Махмуджанович	35 249
25	Хаджибабаев Улугбек Анварович	17 451
26	Тешабоев Иброхимжон Иномжон ўғли	17 940
27	Мадрахимова Дилрабохон Нематовна	68 941
28	Юсупов Маъсуд Зунунович	31 354
29	Бакиев Маъсуд Махмуджонович	17 606
30	Джалилов Лутфилло Турсунович	17 566
31	Мамадалиев Муҳаммадносир Ғофурович	17 846
32	Абдуллаев Ахроржон Адхамджанович	13 870
33	Ахмедов Муҳаммадумар Акрамжон ўғли	15 234
34	Орзибеков Муҳаммадҷамшидбек Марифжонович	15 459
35	Мирзаева Азизахон	31 953
36	Халикова Муборак Муйдиновна	16 295
37	Хапизов Акрамджон Мадаминович	27 260
38	Йўлдошев Мўсохон Сиддиқжон ўғли	14 493

Жами

5 985 860

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: **Мазкур чиқарилишдаги акциялар чиқарилиш тўғрисидаги қарор белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб бир йил ичида жойлаштирилади. Бунда:**

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси - Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган сана;

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги охири

акция жойлашган кун, лекин ушбу кун акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Мазкур чиқарилишдаги акциялар биржадан ташқи савдоларда амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда битимларни тузиш орқали жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозларни сақлаш қонунчиликда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси Давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.

Ҳужжатсиз қимматли қоғозлар бўйича эгалик ҳуқуқи ҳисобини юритиш Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан ва Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсида вакиллик ҳисобварағини очган номинал сақловчилар томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамият акциядорларининг реестри қонунчиликда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси Давлат унитар корхонаси томонидан шакллантирилади.

1. «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» Давлат унитар корхонаси тўғрисида маълумот:

Тўлиқ номи: «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» Давлат унитар корхонаси

Ташкилий-ҳуқуқий шакли: Давлат унитар корхонаси

Жойлашган манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10 уй

Почта манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10 уй
Телефон, факс: (0371) 236-14-34; 233-13-57

Лицензия: лицензияга эга эмас, Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси ўз фаолиятини «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.05.1999 йилдаги 263-сонли «Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийсини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида»ги Қарори асосида юритади.

2. Тўлиқ номи: “ISHONCH LTD” масъулияти чекланган жамияти

Ташкилий ҳуқуқий шакли: масъулияти чекланган жамият

Жойлашган ери ва почта манзили: Фарғона шаҳри, Қомус кўчаси, 40 уй.

Алоқа телефони: (0373) 244-30-37.

Инвестиция воситачи фаолиятини амалга ошириш учун Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан 2010 йил 29 ноябрдаги 1201-сонли амал қилиш муддати чекланмаган муддатга лицензия берилган.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Мазкур чиқарилишдаги акциялар биринчи чиқарилиш бўлиб таъсисчилар ўртасида жойлаштирилиши муносабати билан акцияларини жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар бахоси (бахолари) ёки жойлаштириш бахосини белгилаш тартиби: Акциялар номинал қийматда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Жамиятнинг акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акцияларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акцияларининг

ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўловлар акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида қонунчиликда белгиланган тартибда қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асл нусхаси ва нусхалари билан Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси 32 уйда жойлашган эмитентнинг маъмурий биносида танишиш мумкин.

Жамият томонидан акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқариш давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.
www.csm.gov.uz

13. Бошқа маълумотлар: **Бошқа маълумот йўқ.**